

СОДИҚОВ ҚОСИМЖОН

филология фанлари доктори, профессор, ТДШУ

**«Сюань-Цзан кечмиши» асарига киритилган мактублар қадимги
туркий эпистоляр жанрининг классик
намуналари сифатида**

Crossref doi: <https://doi.org/10.37547/os/vol-01issue-03-01>

Аннотация. “Сюань-цзан кечмиши” асари қадимги хитой ва турк адабий, маданий алақаларининг муҳим ва қимматли ёдгорлигидир. Илк ўрта асрларда буддизмнинг Марказий Осиёда ёйилиши туркий халқлар билан шарқ халқлари ўртасидаги маданий, адабий ва тил алоқаларини ривожлантириб юборди. Асар ана шу даврларда хитой тилидан қадимги туркий тилга таржисма қилинди. Унинг таржисими Сингку Сели тудун ўз даврининг кўзга кўринган адиби, йирик буддашунос ва хитой тилининг билдишонларидан эди. Таржисма жараённида у туркий тилнинг бор имкониятидан унумли фойдаланди ва ажойиб асарни туркий адабиётга олиб кирди.

Таянч сўз ва иборалар: буддизм, туркий ёдгорликлар, туркий тил; хитой-турк адабий алоқалари; таржисма адабиёт; буддизм даври китоби; қадимги турк эпистоляр адабиёти.

Аннотация. “Биография Сюань-цзана” является важным письменным памятником китайской и тюркской литературных и культурных связей древнего периода. Распространение буддизма в Центральном Азии в раннем средневековье дал импульс развитию культурных, литературных и языковых связей между тюркским народом и народов восточных стран. Данное произведение переведено на древнетюркский язык из китайского. Переводчик этой книги Сынгку Сели тутун является видным писателем, крупным ученым в области буддологии и знатоком китайского языка. В своем произведении он использовал все лучшие стороны древнетюркского языка и обогатил свою литературу одним уникальным произведением.

Опорные слова и выражения: буддизм, тюркские письменные памятники, древне-туркский язык; китайско-туркские литературные связи; переводная литература; буддийская книга; древнетюркская эпистолярная литература.

Abstract. The biography of Suan-tsang is an important and valuable work of ancient Chinese and Turkish literary and cultural relations. In the early middle Ages, the spread of Buddhism in Central Asia developed cultural, literary and linguistic relations between the Turkic peoples and the peoples of the East. The work was translated from Chinese into ancient Turkic during those times. His translator, Singqu Seli Tudun, was a prominent writer of his time, a great Buddhist scholar and scholar of the Chinese language. In the process of translation, he took full advantage of the Turkic language and introduced the wonderful work to Turkic literature.

Keywords and expressions: Buddhism, Turkic manuscripts, Turkic language; Sino-Turkic literary relations; translation literature; a book of the Buddhist period, Old Turkic epistolary literature.

Кириш. Туркологияда X юзийлда яшаб ўтган таникли тилмоч, адиб ва буддашунос Сингку Сели (~Шингку Шели) тудунгнинг тавғач, яъни хитой тилидан қадимги туркий тилга таржисма қилинган учта асари маълум: «Altun öjläg yaruq yaltriqlïy qopta kötrülmüş nom eligi», яъни «Олтун тусли, ёргулиқ таратувчи ҳамма нарсадан буюк бўлган тождор нўм»; қисқартирилган оти «Олтун тусли ёруғ» («Altun öjläg yaruq» = «Suvarṇaprabhāsa sūtra»); «Сюань-цзан кечмиши» («Tsi-in-čün kavi nom bitig») ҳамда «Вужуд ва кўнгилни кўриш китоби» («Et-özüg köjülüg körmäk atlïy nom bitig») (Содиқов 2008, 65–69).

«Сюань-цзан кечмиши» асари тарих китоби бўлуви билан бирга, буддизм даври хитой-турк адабий алоқалари, қадимги турк таржима адабиётининг ўта қадрли ва тенги йўқ ёдгорлигидир.



Асарнинг тўлиқ оти: «Bodisatv tayto Samtso ačarinij yorijyin uqitmaq atlij Tsi-in čün tigmä kavi nom bitig» (СЦ.VI.1.2–4). Бу «Бўдисатв тайтў Самтсў устознинг йўригларини баён этувчи Тси-ин-чун дея аталган кави (яъни эпик) нўм битиг» деган маънони анлатади.

Сарлаҳада асар *kavi nom bitig* деб аталаётир. Бу ўринда *kavi* (<санскр. *kāvya*) – «эпос, эпик асар» деган маънони беради; *nom* атамаси сұғда *nwm*, яъни «дин қонуни; диний таълимот» сўзидан олинган; *nom bitig* – «ақоид китоби»дир.

Муаллиф *kavi* атамасини ғарб эллари хотираларига бағишлиланган мемуарига нисбатан ҳам қўллаган. Мана ўша жумла: Körügi ellär ödigi bir kavi qilzun dep. – «Гарб эллари хотиралари ҳакида бир эпик асар ёзсин деб» (СЦ.VI.25.18–19).

«Сюань-цзан кечмиши» асари *iduq nom erdini*, яъни «қутлуғ нўм жавохир» сифати билан ҳам аталган (СЦ.V.87.20).

Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда буддизмнинг ёйилиши шарқ халқларининг маданий ва адабий алоқалари, шарқ тилларининг ўзаро таъсирини таъминлаб берди; халқнинг ижтимоий-тариҳий, маданий, адабий ҳаётида катта бурилиш ясади. Турк-будда адабиётида таржимачилик ниҳоятда ривожланди: санскрит, тоҳар, сұғд тилларидан йирик будда ёдгорликлари – нўм битиглар, суралар, хотиралар, будда қиссалари, шастарлар қадимги туркий тилга таржима қилинди. Будда асрлари аввалига санскритчадан, кейинчалик уларнинг тоҳарча, сұғдча ва хитой тилларидаги варсияларидан ўгирилган. Шу вазият тақазоси билан ўқимишли турк кишилари орасидан йирик буддашунослар, қадимги шарқ тилларининг билимдонлари, таниқли шарқшунослар етишиб чиқди. Сингқу Сели тудунг ўша замонда шухрат топган ана шундай буддашунос ва таржимонлардан эди.

Ўрта ва Марказий Осиё халқларининг исломдан бурунги тарихини ўрганишда қадимги хитой манбалари, айниқса, хитойлик сайёҳларнинг ўлкамизга қилган саёҳатлари асосида битилган эсдаликлар катта аҳамиятга эга. Ана шундай эсдаликлардан бири фанда «Сюань-цзан кечмиши» номи билан машхур. Илк ўрта асрлар тарихига бағишлиланган тадқиқотларда бу асарга тез-тез мурожаат қиласидилар.

«Сюань-цзан кечмиши»нинг ҳам хитойча, ҳам қадимги туркий тилдаги версиялари бўлган. Туркий версияси бундан минг йил муқаддам Қучу уйғур давлатида «Тси-ин-чун кави нўм битиг» номи билан таржима қилинган. Ушбу обида бизгача ягона қўлёзма нусхада етиб келган бўлиб, у уйғур хатидадир. Лекин қўлёзма ҳозир бўлакларга бўлинган ҳолда Париж, Пекин, Санкт-Петербургда сақланмоқда. Аниқлашларича, қўлёзма китоб бир жойдан топилган, кейинчалик ҳар хил йўллар билан турли қўлёзма фондларига тарқаб кетган. Жумладан, Санкт-Петербургдаги Россия Фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмалари институти (аввалги Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлими) фондида сақланаётган бўлаги асарнинг 5-, 6-, 8-, 10- бўлимлари бўлиб, сайёҳнинг Хиндистондан ўз юртига қайтиши ва ҳаётининг сўнгти чоғларига бағишлиланган (қаранг: Тугушева 1991). Тарқаб кетган учала қўлёzmани бир ерга йигса, тўлиқ бир асар юзага келади.

«Сюань-цзан кечмиши» тан сулоласи даврида яшаб ўтган нўмчи сайёҳ Сюань-цзаннинг муқаддас сафари тўғрисидаги мемуар бўлиб, ўзида ўнлаб афсона ва ривоятларни, буддизм фалсафаси, қадимги Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маданий турмушига, улар яшаган ўлкаларнинг географияси, тарихига тегишли маълумотларни ўзида жамлаган асар.

Милоднинг ilk юзийларидан бошлаб хитойлик роҳиблар Бурхон (яъни Будда) яшаб ўтган юртни зиёрат қилиш, шу билан бирга, буддавий йўриклар, қонун-қоидалар битилган нўм битигларни олиб келиш мақсадида Фарбга – Хиндистонга сафар қила бошладилар. Улар олис юртдан минг азоб билан муқаддас китобларни ўз ўлкасига келтиргандар. Даврининг машхур буддашуноси, нўмчи ачари Сюань-цзан ана шундай сайёҳлардан эди. У ўн етти йил давомида (629–645 йиллар) бир юз йигирмадан ортиқ мамлакат ва ўлкаларда бўлди. Бурхон туғилган тупроқларга бориб, у ердан олти юз нўм битиг келтирди. Сўнгра теварагига мамлакатдаги буддавий сутра ва шастарларнинг кучли билимдонларини тўплаб, уларни анаткак тилидан тавғаччага таржима қилиш билан шуғулланди. Бу борада у ўз мактабини яратган.





Сюань-цзан буддавий нўм битигларнинг мағзини тушуниш ва уларни шарҳлашда ўзига қадар ўтган олимлардан анча ўзиб кетган эди. Шунинг учун будда рисолаларининг билимдони, улуғ устоз – самтсў ачари номини олган. У муқаддас сафари чоғида кўрган-кечиргандарини ҳикоя қилувчи «Фарб мамлакатлари хотиралари» («Kirügi ellär ödigi») номли асар ёзган.

Кейинчалик унинг содиқ шогирди Хуэй-ли (матнда *Xuilib*) унинг асосида устознинг ҳаётига бағишиланган «Сюань-цзан кечмиши» асарини ёзди. Бошқа бир шогирди Ян-цзун (матнда *Xintsuyl*) эса ана шу хотираларни тўлдириб, асарни адоғига етказди. Асар бешинчи бўлимининг якунидаги колофонда ана шу хабарларнинг тасдиғи битилган:

Qutluq uluq Tawyač elintä üç aýiliq nom ötkürmiš Xuilib tayši üdik alip tawyač tilintä yaratmiš. – «Кутлуғ улуғ Тавғач элида «Уч хазинали нўм» (=санскр. Tripiṭaka)ни шарҳловчи Хуэй-ли устоз тавғач тилида яратмиш».

Xintsuyl vapši atlýy nomči ačari kejürmiš. – «Ян-цзун муаллим отли нўмчи устоз уни тўлдириди» (СЦ.V.87.6–11).

Ҳозир фанда «Сюань-цзан кечмиши» деб аталаётган ушбу китоб Хитойда ўша кезлардаёқ шухрат топган эди. Турклар орасига буддийликнинг кенг ёйилуви, хитой-турк маданий муносабатлари ва адабий алоқаларнинг таъсирида кейинчалик унинг туркий таржимаси ҳам юзага келди.

Асарни бешбалиқлик Шингқу Шели тудунг тавғач тилидан туркий тилга таржима қилган. Бу ҳақда бешинчи бўлим якунидаги колофонда шундай битилган: *Tawyač tilintin yana beshbalıqlıq Šiŋqu Šeli tutuq yaŋirti türk tilinčä ewirmiš*. – «Тавғач тилидан яна бешбалиқлик Шингқу Шели тутунг қайтадан турк тилига ўгирмиш» (СЦ.V.87.11–14). Ушбу жумлада ишлатилган *ewirdi* сўзи асарга нисбатан қўлланган бўлиб, «ўгирди, таржим қилди» деган маънени билдиради; *tawyač tili* – «тавғач», яъни «хитой тили»; *türk tili* – ўша кезлардаги «туркий тил»дир.

Сюань-цзаннинг оти матнда *Xuintso* деб берилган (СЦ.VI.27.24). У матн давомида *toyin Xuintso* («роҳиб Сюань-цзан») (СЦ.VI.22.10), *tawyač toyin* («тавғач роҳиб») деган сифатлар, ўрни билан *Samtso ačari* («Самтсў устоз») унвони билан ҳам тилга олинади (СЦ.V.12.18–19). Сюань-цзаннинг унвони *taxayap nom tājrī* (=санскр. *mahāyānadeva*) ҳам аталган (СЦ.V.23.5). Бу унвоннинг маъниси «маҳаян нўмларининг тангриси» деганидир.

Буддизм даврида бундайин кишиларни *nomči* ҳам дейилган, бу «будда қонунларининг билимдони; қонунларни йўрувчи, маъносини айтиб берувчи уламо»дир. Ёки «қонунлардан сабоқ берувчи устоз, уламо»ни *nomči ačari* дейилган (СЦ.V.11.23). Бу ерда *ačari* (<санскр. *ācārya*) «ўқитувчи, устоз» маъносида. «Қонунлардан сабоқ берувчи устоз, уламо»ни *nomči baxši* ҳам аталган (СЦ.V.12.18).

Роҳиб Сюань-цзанга ҳиммат кўрсатган ва унинг билан хат ёзишган тавғач ҳукмдори эса *xan* (СЦ.VI.30.21), *tawyač xanī* (СЦ.V.8.1), *tājrī tawyač xan* (СЦ.VI.35.25), *tājrī elig* (СЦ.VI.24.17) ёки унинг ҳурматини жойига қўйиб *tājrī eligimiz* (СЦ.VI.26.12), *toquz quwray uluq elig*, яъни «тўққиз вилоят [сўзма-сўз. жамоа]нинг улуғ ҳукмдори» (СЦ.VI.30.12) унвонлари билан тилга олинган.

Бу унвонлардаги *tājrī* сўзини Л.Ю. Тугушева русчага «небесный» деб таржима қилган: *tājrī elig* – «небесный правитель» (қаранг: Тугушева 1991,238).

Қадимги туркий тилда *tājrī* сўзининг бир нечта маъноси бор: «кўк, осмон»ни *tājrī* дейди; яна «Яратган *Tājrī*».

Масалан, *tūgäl bilgä tājrī Burxan* деганда (СЦ.V.16.26) *tājrī* сўзи «худо» маъносида ишлатилган. Чунки турк-буддистлар Буддани *tājrī* деганлар. Ёки: *tājrī Burxan körki-yanjī* – «Тангри Бурхон ҳайкали», яъни «Будда ҳайкали» (СЦ.VI.24.19–20) сингари.

Лекин *tājrī elig* деганда сўзни бошқа бир маъноси мужассам: уни «улуг; қудратли» деб англамоқ керак, яъни «улуг; қудратли ҳукмдор».

«Сюань-цзан кечмиши» асари буддизмнинг маҳаян мазҳабида битилган асар. Ўша давр туркий ёзма ёдгорликларида маҳаян мазҳабини *uluq kölüjü* (яъни, «улуг тариқат»)



(ДЛТ.610) ёки *taxayān* (<санскр. *mahāyāna*) (ДЛТ.338); хинаян мазҳабини эса *kiśig kölüjü* (яъни «кичик тариқат») дейилган (ДТС.610).

«Сюань-цзан кечмиши» асарида бу мазҳабларнинг аталиши шундай:

taxayān (<санскр. *mahāyāna*) – буддизм атамаси; «улуг тариқат, махаян» (СЦ.VI.22.14).

Ёки яна: *kölüjü tözliğ taxayān* – «кўлингу асосли махаян», яъни «махаян тариқати» (СЦ.VI.22.14); *kölüjü tözliğ taxayān nom* – «кўлингу асосли махаян таълимоти» (СЦ.VIII.21.5-6).

hinayān (<санскр. *hinayāna*) – «кичик тариқат, хинаян» (СЦ.V.11.15).

Асар қўлёзмаси ва буддизм даври китоби

Асар қўлёзмаси потхи китоб шаклидадир.

Потхи китоб ўзининг тайёрланиш усули ва кўриниши билан китобат тарихида алоҳида ажralиб туради. Бундай китоб тури бошлаб қадимги Ҳиндистонда кашиф этилган. Потхи китоб бурунги тибет маданиятида ҳам шуҳрат қозонган, аммо хитой китобатчилигига йўқ. Шунинг учун бўлса керак, олимлар бундай китоб тури туркларга Тебетдан келган деб қарайдилар. Шундайми ёки тўғридан-тўғри ҳиндлардан келганми, нима бўлганда ҳам, у турк дунёсига буддизмнинг муқаддас таълимоти, маданияти ва санъати, будда ёзма ёдгорликлари билан бирликда кириб келгани аниқ.

Бурунги ҳиндлар бундай китобни тайёрлашда ашё сифатида пальма япроқларидан фойдаланган. Муҳими шундаки, турклар потхи китоб турини ўзлаштиргач, ўз шароити ва географик имкониятидан келиб чиқсан ҳолда, пальма япроқлари ўрнига қоғоздан фойдалана бошлади. Бу ишда қоғоз уларга жуда қўл келди.

Будда китобат санъатида потхи анъанаси узоқ асрлар давом этди. Кейинги кезларда китоб тайёрлашнинг янги-янги усуллари ўйлаб топилганига қарамай, турк-будда жамоалари ҳатто XVII юзийилда ҳам потхига тез-тез мурожаат қилиб турганлар. Чунки уларда будда асарларига хурмат-эҳтиром ўта кучли бўлиб, диний асарларда классик тил анъаналари билан бир қаторда, қадимги китоб шаклини ҳам сақлаб қолиш муҳим эди.

Потхи китобни тайёрлаш учун аввал унга керакли бўлган бир хил бичимли қоғозлар қирқиб олинган. Сўнг вараклар ўртасига ёки бошроғига, уларнинг ҳар икки ёғидан симметрик ҳолда доирачалар чизиб чиқилган. Матн ўнгдан чапга қараб битилган. Хат бир бошдан ёзиб тушилиб, ҳалиги доирачага келганда, унинг ичи бўш қолдирилган. Варақнинг терс бетидаги матн ҳам худди шундай битилган. Қўлёзма тўлиқ қўлдан чиққаёт, ичи бўш қолган доирачаларнинг қоқ ўртасидан тешиб чиқилган. Матн битилган варакларни дасталаб туриб, уларнинг тешигидан ипга тизилган. Сўнgra қоғоз бичимидағи иккита пайраҳа олиб, тахлоғлиқ қоғознинг икки ёғидан қопланган ва тешикдан ўтказилган тизимчаси унга туғиб қўйилган. Ўз навбатида, бу пайраҳалар мукова вазифасини ҳам ўтаган ва китобни яхши сақлаш имконини берган. Китобни ўқиши керак бўлганда, тизимчасидан бўшатилиб, ўқиб бўлгач, яна туғиб қўйилаверган.

Потхи китобнинг вараклари *patar* деб аталган (ДЛТ.398). Бу сўз санскритча *pattrā* сўзидан олинган бўлиб, ҳиндлар пальма япроқлари ва варакни шундай атаганлар. Туркий тилда бу сўз ўзининг иккинчи – «китоб вараги» маъносида қўлланган.

Ҳар қайси варакнинг бош қисмига асар бўлими ва ушбу бўлимнинг тартиб қўрсаткичи ёзиб чиқилган. Ушбу қўрсаткичлар, ўз навбатида, пойгир (погинация, яъни варакларнинг кетмакетлигини қўрсатувчи белги) вазифасини ўтаган ва китоб варакларини тартибли сақлаш имконини берган.

Потхи китоблардаги тартиб қўрсаткичининг бундай эканлиги бежиз эмас. Сабаби, будда китоблари жамоа орасида тўлиқ шаклда ҳам, бўлимлари айри-айри ҳолда ҳам ёйилган эди. Чамаси, айrim буддистлар асарнинг керакли бўлимини ўзлари учун кўчириб олиб, ундан фойдалангандар. Шарқ матннавислигига шунга ўхшаш ҳодисани монийлик даври тавбаномадуоларида ёки ислом муҳитида яратилган «Хафтияқ»да ҳам кузатиш мумкин.

Будда китобатчилигига сахифаларга безаклар бериш, миниатюралар ишлаш уқадар авж олган эмас. Шунга қарамай, буддизм даври китобат санъатининг ўзига яраша сири бор.





Китобларни синчилаб кузатган кишигина буни англаб етади. Қўлёзма китоблар кўркини, аввало, матнинг хат услуби таъминлаган. Ёзувнинг кўрки, айрим ўринларнинг турли сиёҳларда ажратиб берилгани, ҳатто сахифа ўртасига чизилган бир, баъзан икки халқали доирачалар ҳам китобни безаб туради.

Буддизм даврида уйғур ёзувнинг бир неча хил хат услуби амал қилган. Йирик зодагонлар томонидан буюртма бериб битилган қўлёзмалар, буддизмнинг муқаддас китоблари кўпинча ёзувнинг ўзига яраша классик бир услубида, китобий хатда кўчирилар эди. Бундай матнни битишда учи йирик йўнилган қамиш қаламдан фойдаланилган бўлиб, битгучидан ўта кучли маҳорат талаф қиласиди.

Буддизм тушунча ва қарашларига кўра, ўлганлар хотирасига атаб диний китоблар кўчиритириш ўта савобли иш саналган. Муқаддас китоблар хонлар, беклар, йирик зодагонларнинг буюртмаси бўйича кўчиририлар эди. Бахшилар уларни кўчиришда ўзининг бор маҳоратини ишга солган.

«Сюань-цзан кечмиши» асарининг қўлёзмаси бутунича сақланмаган. Варакларининг кўпи йўқолган, айримлари титилиб, унинг бўлакларигина қолган, холос. Қўлёзма кўп фойдаланилганиданми, варакларининг тевараги уринган, баъзи сатрларнинг ёзувини ҳам илғаб бўлмайди. Жумладан, китобнинг Санкт-Петербургда сақланаётган бўлаги ана шундай.

Матн ҳар сахифада ўнгдан чапга қараб 26 қатордан ёзилган.

Ҳар қайси варакнинг тепароғида, матннинг 5–7- қаторлари оралиғига доирача чизиб, ўртасига тизимча ўтказишга мўлжаллаб тешик тешиб чиқилган. Доиранинг ичи бўш, унга келиб туташган матн ўртада узилиб, кейинги ёғидан давом этиб кетаверади.

Хати қорада, уйғур хатининг классик услубида бўлиб, ўта сулув ва тартибли.

Матнда жумлаларни ажратиш учун ёнма-ён қўш нуқта (...), янги боб, матннинг муҳим бўлакларини ажратиш учун бир-биридан узилган қўш нуқталар (...) кўйиб борилган.

Асар бўлимлари *tegzinč* ёки *ülüš* деб аталган. Масалан, асарнинг олтинчи бўлими *altinč* *tegzinč* деб бошланган (СЦ.VI.1.5). Ҳар бир варакнинг тепа қисмида берилган тартиб кўрсаткичидан эса бўлимлар *ülüš* деб аталган.

VI.6- сахифанинг бошланишида *altinč ü(lüš)*; VI.8-, 10- сахифаларнинг бошланишида *altinč ülüš*; VI.16- сахифанинг бошланишида *alt(inč)*; VI.12-, 14-, 15-, 18-, 38-, 40-, 42-, 44- сахифаларнинг бошланишида *altinč* сўзи сакланган, холос.

Шунинг сингари, VIII.22- сахифанинг бошланишида *sekizinč*, *beš yigirmi*; VIII.18- сахифанинг бошланишида (*sekisinč*), *üč yigirmi*; VIII.14- сахифанинг бошланишида *s(ekiz)inč*, *bir yigirmi*; VIII.10- сахифанинг бошланишида *sekizinč*, *to(quz)*; VIII.4-, 8-, 12- сахифаларнинг бошланишида *sekizinč*; VIII.6- сахифанинг бошланишида *sek(izinč)* сўзигина сақланиб қолган.

Асарнинг ҳар қайси бўлими *Namo but. Namo darm. Namo saj* жумлалари билан бошланиб, шу жумлалар билан тугалланган (СЦ.V.87.19). Бу формуляр буддизмнинг триадаси, яъни уч жавоҳирига – «Будда, будда қонунлари ва будда жамоасига таъзим»ни англатади (<санскр. *Namo Buddhāya. Namo dharmāya. Namo samghāya*). «Жавоҳир» қадимги туркий тилда – *erdini*; «уч жавоҳир» – *üč erdini* (=санскр. *triratha*) бўлади (СЦ.VIII.30.8).

Яна асарнинг охирига унинг оти ва нечанчи бўлим тугаётгани ҳам ёзиб қўйилган. Масалан, бешинчи бўлимнинг якуни шундай: «*Bodisatv tayto Samtso ačarinij yoruğin uqitmaq atlīy Tsi-in čün tigmä kavi nom bitig*»; *bišinč ülüš tögädi*. – «Бўдисатв тайтў Самтсў устознинг йўриғларини баён этувчи Тси-ин-чун дея аталган кави (яъни эпик) нўм битиг»; бешинчи бўлим тугади» (СЦ.V.87.14–18).

Қадимги турклар «китоб»ни *bitig* деганлар. Бу сўзнинг яна бошқа маънолари ҳам бор. Масалан, «Сюань-цзан кечмиши» асарида *bitig* сўзи кенг ишлатилган бўлиб, у «ёзув; хат, мактуб; китоб; сутра; асар» маъноларини билдиради (қаранг: Тугушева 1991,322).

Бу сўз асарда «хат, мактуб маъносида ҳам кўп ишлатилади; ундан янги сўзлар ҳам ясалган: «илтимоснома»ни *ötüg bitig* (СЦ.VI.22.9); «жавоб хати»ни *yantud bitig* дейди (СЦ. VI.30.22).



Қадимги туркій тилде *bitig* сўзидан олиб, «котиб»ни *bitigči* дейилгән. Айни маънода яна *ilimya* сўзи ҳам ишлатылған.

Махмуд Кошғарийга күра: *ilimya* «шоҳ мактубларини түрк хати (яни уйғур хати) билан ёзувчи котиб»дир (ДЛТ, 71).

Юсуф Хос Хожиб «котиб» маъносида *bitigči* атамасини ишлатылған. Ушбу атама «Кутадғу билиг»да *ilimya* сўзи билан бирга жуфт ҳолда *bitigči-ilimya* деб ҳам қўлланган. Бунда у «хат ёзувчи котиб» деган маънени англатади (Содиков 2020, 178).

Ўтмишда «котиб» маъносида *baxši* сўзи ҳам ишлатылған. Бу сўз манбаларда *baqši~baxši* вариантыларида келади. Ушбу атама қадимги түрк будда жамоаларидан «устоз, мураббий; муаллим» маъноларидан ишлатылған (СЦ.VI.10.18).

Замонасининг хат-саводли, ўқимишли кишиларига нисбатан қўлланган бу сўз кейинчалик түркій тилде ва уйғур хатида битувчи котибларнинг номида сақланиб қолди. Масалан, ўрга асрларда, тўғрироғи, темурийлар замонида уйғур хатида битувчи котиблар отига *baxši* сўзи кўшиб айтилған: *Зайну-л-Обидин бахии, Абду-л-раззоқ бахии* сингари (*ўша жойда*).

«Сюань-цзан кечмиши» асарига киритилган мактублар: матн тузилиши ва услуби

«Сюань-цзан кечмиши» асарининг олтинчи бўлими (*altınč tägzinč / ülüş*)да роҳиб Сюань-цзаннинг кечмиши ҳикоя қилинар экан, орада тўртта мактуб берилған. Шулардан биринчи ва иккинчиси роҳибнинг юрт эгаси улуғ тавғачхон (*täjri tawyač xan*)га йўллаган хати (СЦ.VI.22.10–25.20; СЦ.25.24–30.19); учинчиси хоннинг ўз қўли билан Сюань-цзанга ёзган жавоб хати (СЦ.VI.30.24–32.4); тўртинчиси роҳибнинг хонга қайта йўллаган хатидир (СЦ.VI.32.9–35.23).

Асада еттинчи юзийлнинг биринчи ярмида яшаб ўтган тавғач роҳиби Сюань-цзаннинг Ҳиндистонга қилған қутлуғ сафари билан боғлиқ воқеалар акс этган. У чоғлар буддизм Хитойга энди-энди ёйила бошлаган, ҳали она тилида дин йўриғларидан сабоқ бергучи нўм битиглар оз эди. Сюань-цзаннинг истаги Будда ўтган тупроқларни зиёрат қилиш ва қутлуғ нўмларни ўрганиш бўлған. Роҳиб йўл бўйи будда сутра ва шастарларини тўплаб, уларни ўз ютига келтирди. Юртига қайтган Сюань-цзан улуғ хон билан учрашганда Ҳиндистондан келтирған олти юз анаткакча (яни санскритча) нўм-суралардан бир сўз ҳам тавғач тилига ағдарилмагани (*änätkäk din kelürmiš alti yüz änätkäkčä nomta bir sawi yemä tawyačča ewrilmäyük*), агар тинч ердан жой ажратилиб изн берилса, роҳиб уларни эл-юрт учун таржима қилишга киришажагини ўтиимиш эди (СЦ.VI.16.17–17.6). Хон унга ҳиммат кўрсатиб, ёнига олимлардан берди ва келтирған китобларини тавғач тилига ўтиришни буюрди. Ўта машаққатли бўлған бу юмушни хотиржам бажармоқ учун мамлакат кунботаридағи бошкент саналмиш Чунан (*kedinki uluy balıq tegli Čuu-nan balıq*)дан овлоқ ва тинч (*aylaq amil*) бир ер – Қунгвуси ибодатхонаси (*Qujuysi atlıq sajräm*) ажратилди (СЦ.VI.17.10–15). Таржима тугагач, Сюань-цзан уларни хонга тортиқ қилди. Мактублар уларни хонга топшириш муносабати билан ёзилған.

Сюань-цзан йўллаган биринчи хатда ёзилишича, буддизм инончидаги саккизта тўғри йўлнинг (*sekiz köni yol* = санскр. *asta-mārga*) асоси эмгак-азобларни енгиб ўтиш кўпригидир. Бу йўлда маҳаян тариқати (*mhayan kólüňü*) юксакликка – нирванга олиб чиққучи шотидир. Улуғ кенгликлар (*uluy yazıi*)да – тавғач үлкаларида кимса ҳали буни англаб етмаганди. Мактубда Сюань-цзаннинг сафарга борищдан мақсади, у ерлардан қутлуғ китоблар келтиргани тўғрисида сўз боради. Бу савобли ишлари туфайли у хурмат-эҳтиромга эришди. Кўрсатган ҳиммати, китобларни таржима қилиш учун берган кўмаги учун хатда хонга миннатдорчилик билдирилади; у белгилаган муҳлатдан бурун ишларнинг тугагани маълум қилиниб, таржима қилинган сутра ва шастарларнинг отлари ҳам келтирилади.

Булар эллик саккиз тегзинчдан иборат эди (*bu sekiz altmis tegzinč teginür*). Анаткак тилидан табғач тилига (яни хитойчага) ўтирилған сутра ва шастарларнинг отлари шундай (СЦ.VI.24.8–15):



(1) «Uluğ bodisatvlar aýiliqи sudur» – «Улуғ бўдисатвлар хазинаси» сутраси (=санскр. «Bodhisattvapiṭaka-sūtra») – бир тегзинч;

(2) «Altı qapıylıq darmi sudur» – «Олти қопқали дарни» сутраси (=санскр. «Sanmukhi-dhāraṇi-sūtra») – ўн икки тегзинч;

(3) «Tözün nomuγ yaltrītdači atlıq şastar» – «Барча нўмларни ялтиратғучи» отли шастар (=санскр. «Prakarṇāgyavaca-sāstra») – йигирма тегзинч;

(4) «Esriju edimiz Tayşıñ abidarım şastar» – «Хушёр эгамиз Тайшинг абидарим» шастари (=санскр. «Mahāyānabhidharma-samyuktasangiti-sāstra») – ўн олти тегзинч.

Мактубда ёзилишича, отлари санаб ўтилган китобларнинг бари юрт эгасига жўнатилган.

Шунингдек, Сюань-цзан Лоцзинда хон билан учрашганида хон унга Фарб эллари хотираларини китоб қилиб ёзишни маслаҳат бераб эди. Ҳозир эса китоб якунланиб, у хам хонга йўлланаётгани тўғрисида сўз боради.

Иккинчи хатда хоннинг улуғ ишлари, маърифат йўлида кўрсатаётган саҳовати мадҳ этилади, унинг ишлари ўзига довур ўтган улуғ кишиларнинг ишлари-ла тенглаштирилади. Роҳиб Сюань-цзаннинг сутра ва шастарларни ўрганиш йўлида ғарб элларида, тоғу тошларда чеккан эмгак-уқубатлари ҳикоя қилинади. Шунингдек, қўлидан янги чиққан «Тан сулоласи давридаги Фарб эллари хотиралари» (*«Tayto xan ödindäki Kirügi ellär ödigj»*) китоби тўғрисида хам сўз боради (Айтганча, сўз юритаётганимиз – «Сюань-цзан кечмиши» асари олимнинг ана шу эсдаликлар китоби – мемуари асосида яратилган). Хатда яна таржима қилинган сутра ва шастарларнинг юртда кенг ёйилиши учун хондан кўмак сўралади.

Хоннинг қутлуғ қаламда ўз қўли билан ёзган жавоб битигида (*ïduq bî üzä öz iligin yantud bitig*) Сюань-цзаннинг улуғ ишларни юзага чиқармоқлиқ истагида сўровсиз йўлга чиққани узрли экани, бунинг билан элга ёруғлиқ келтирганлиги таъкидланади. Хатда ёзилишича, хонроҳибининг эсдаликлар китобини ҳам ўқиб чиққан ва уни юқори лавозимга кўтаришга буйруқ берилган.

Охирги – тўртинчи хат хоннинг мактубига жавоб сифатида ёзилган. Унда Сюань-цзан хоннинг улуғ марҳаматига ўз миннатдорчилигини билдиради. Нўм битигларнинг яратилган таржималарига сўз боши (*süü*)ни фақат хонгина ёзишга лойиқ экани, хоннинг бундайин улуғ марҳаматини роҳиб жуда-жуда истаётгани билдирилган.

Мактублар матнда *bitig* (СЦ.VI.32.4), Сюань-цзаннинг хонга йўллаган хатлари эса *ötüg bitig* (СЦ.VI.22.9) ёки *ötüg* (СЦ.VI.35.24) деб берилган. *Ötüg* сўзи *ötün-* («ўтинимак») феъли билан ўзакдош бўлиб, *ötüg bitig* атамаси «ўтинич битиги; ўтиниб ёзилган хат» деган англамда келади. Жавоб хатлари эса *yantud bitig* аталган (СЦ.VI.32.8).

Умуман асарда, бошқа ўринларда ҳам, Сюань-цзан хонга мурожаат қилганда юрт эгасига хурмат, юкуниш маъносида *ötündi* («ўтиндиги»), хон унга бирор сўз айтганда ёки кўрсатма берганда *yarlıqadı* ёки *yarlıq yarlıqadı* дейилади. Бу ҳаракат «ёрлиқ берди; буюрди» деган маънени англаради. Масалан, тангри хоннинг роҳибга йўллаган хати якунида шундай дейилган: *Samtso ačarı-üyü taqı örgü kötürükä yarlıq yarlıqadımiz* («(Биз) улуғ устозни яна юқори даражага кўтаришга ёрлиқ бердик») (СЦ.VI.31.26–32.4).

Мактублар илк ўрта асрларда хат битиш санъатининг, эпистоляр жанрнинг юксак даражада эканидан белги бераб турибди. Уларнинг тузилиши ўзига хос. Йирик эпик асарнинг таркибида эканлиги, хат мазмуни, тузилиши, мақсади билан боғлиқ айрим маълумотлар хатдан ташқарида – ундан аввал ёки кейин келтирилган. Чунончи, битиглардан аввал муаллиф тилидан *bitigintä sawi bu erür* (СЦ.VI.22.9–10) ~ *bitigintäki sawi bu erür* («битигидаги сўзи / хабари шундай») (СЦ.VI.25.23–24); битиглардан сўнг Сюань-цзан хатидан кейин *ter ötüg idti* («дэя илтимос хати йўллади») (СЦ.25.20–21), *ter tuncilayu bitig idti* («дэя ана шундай хат юборди») (СЦ.VI.30.20), *ter tuncilayu ötüg idti* («дэя ана шундай илтимоснома йўллади») (СЦ.VI.35.23–24); хоннинг хатидан кейин эса *ter tuncilayu bitig kelti* («деб ана шундай хат келди») (СЦ.VI.32.3–4) деб таъкидланади. Битиглардан аввал келган жумлалардаги *bu* олмоши шу сатрлардан кейин ўрин олган хатга, битиглардан кейинги жумлалардаги *tuncilayu*, *tuncilayu* («ана шундай») олмоши хатнинг



тугаганлигига, унинг ана шу айтилганлардай эканлигига ишора этади. Шунинг сингари таъкидлар туфайли хатларнинг айрим керакли ва анъанавий ички компонентлари тушириб қолдирилган.

Ўтмишда шаклланган мактуб битиш анъанасига кўра, уларнинг охирида санаси хат битувчи тилидан битилиши керак эди. Муҳими, биз сўз юритаётган мактубларнинг якунида уларнинг ёзилган санаси йўқ. Улар йирик бир асар таркибида бўлгани учун ёзилган йил-ой-куни тўғрисидаги маълумотлар мактуб бошланишидан аввал, хат битувчи (бу ерда роҳиб ва ҳукмдор) эмас, асар муаллифининг тилидан битилган.

Хатларнинг биринчиси кузда, еттинчи ойнинг *xin* ва товушқон кунида битилган бўлиб, хат матни бошланишидан олдинги жумлада бу тўғрида муаллиф тилидан шундай ёзилган: *Küz yetinč ayin xin tawīšqan künkä Samtso ačarı ewirmišä sudurlarīy, šastarlarīy tūgāmišin körzün ter xanqa ida ... ötug bitig qilti.* – «Куз, еттинчи ойнинг *xin* (ва) товушқон кунида Самтсў устоз ўзи ўгирган сутраларни, шастарларни (уларнинг) тугаганини қўрсин деб хонга йўллади ва (уларга қўшиб) илтимоснома (ҳам) ёзиб юборди» (СЦ.VI.22.4–9).

Иккинчи хатнинг санасини ҳам ундан аввалги гапдан ўқиймиз: *Basa yana ... kün ir qoyn künkä yana (ötün)di.* – «Сўнгра *ip* ва қуён кунида яна илтимоснома йўллади» (СЦ.VI.25.21–23).

Учинчи хатни хон роҳибнинг иккинчи мактубини ўқигандан кейин, унга жавоб тариқасида битган. Мактубнинг йил-ой-куни қўрсатилмаган эса-да, ҳарқалай, унинг ёзилган оралиғи аниқ. Хатдан аввалги жумлада шундай ёзилган: *Bu bitigig xan oqir iduq ... üzä öz iligin yantud bitig qiliq idti.* – «Хон бу хатни ўқиб, ўзининг қутлуғ (қалами)да ўз қўллари билан жавоб хати ёзиб юборди» (СЦ.30.21–23).

Сўнгти тўртинчи хат хоннинг мактубини олгандан кейин, иккинчи куни унга жавоб тариқасида битилган. Хатнинг санаси тўғрисида ундан аввалги жумлада: *Samtso ačarı yana ikinti kün tiy taqiyu künkä yana yantud bitig idti*, яъни: «Иккинчи куни, *тий* ва товуқ кунида Самтсў устоз яна жавоб хати йўллади» дейилади (СЦ.VI.32.5–8).

Шундай қилиб, тўртала хатда ҳам илк ўрта асрларнинг мактубот жанри учун муҳим бўлган деталлар акс этган.

Битигларни тузилишига кўра уч қисм – кириш, асосий қисм ва хulosага ажратиш мумкин.

Роҳиб Сюань-цзан йўллаган мактубларнинг учалови ҳам *Toyin Xuintso sawim* («Роҳиб Сюань-цзан сўзим») деган жумла билан бошланган. Ушбу бошлама-унвон учов битигнинг ҳам кириш қисмини ташкил этади. У уч компонентдан тузилган: биринчиси – хат битгучининг даражаси (*toyin*), иккинчиси оти (*Xuintso*); учинчиси – бошланажак сўзнинг унга тегишилигини далилловчи қисм (*saw-im*).

Ана шундай бичимли бошлама-унвон Иккинчи кўк турк хоқонлиғи даврида ўтган Билга хоқоннинг эл-улусга битган ёрлиғида (ёрлик Билга хоқон битигига киритилган) келган. Унинг ўқилиши (транскрипцияси) шундай: *Täjri-täg täjri yaratmish türk Bilgä qayän sabim*. Ушбу бошламанинг маъноси шундай бўлади: «Кўқдай (улуғ) Тангри яратган қудратли Билга хоқон сўзим» (Содиков 2004, 70–72).

Шунингдек, ўрта асрларда битилган турк хонларининг ёрликларида ҳам ана шундай бошлама-унвонлар учрайди. Фақат уларда «ёрлик; сўз» англамидаги қадимги *saw* атамасининг ўрнида *söz* ишлатилган. Жумладан, темурий сultonлардан Шоҳруҳ Мирзо ўз ёрликлари ва расмий хатларини *Šâhrûh bahadur sözüm*, сulton Умаршайх эса *Sultân Umar šayx bahadur sözüm*, Абу Сайд – *Sultân Abu Sa'id Körägân sözüm* унвонлари билан бошлаган (қаранг: Содиков, Омонов 2010, 40–41, 43–64; Содиков 2018, 225–230). Кўринадики, бу борада Сюань-цзаннинг битигларида ҳам мактуб битиш анъаналарига, қоидаларига амал қилинган.

«Сюань-цзан кечмиши» асарида кечган биринчи битигда *Toyin Xuintso sawim* унвонидан сўнг *yemä eśidilür* («аёнки, эшитилурки») кириш сўзи билан асосий қисмга кўчиллади (СЦ.VI.22.11). Битиг *Yana öñrä Layki(dä)* körüşü teginmiştä öz ayz(iin) yarlıqadı erdi, *Kirugi*





ellär ödigi bir kavi qılzun, ter. Anï men bütürüp iđu tegindimiz («Биз илгари Лоцзинда (хон) билан учрашган чогимизда ўз оғизлари билан менга Ғарб эллари хотираларини китоб қилиб ёзишимни буюрган эдилар. Уни мен тугаллаб, (у кишига) юборяпмиз») жумлалари билан тугайди (СЦ.VI.25.17–20).

Битигнинг ушбу хулоса қисми икки компонентдан тузилган: Бири – Лоцзиндаги учрашув ҷоғида хоннинг берган топширигини эслаш. Унинг кесими узоқ ўтган замон шаклида (yarlıqadı erdi). Иккинчиси – китобнинг тугаллангани ҳамда хонга йўлланаётганлигининг таъкиди. Бу жумланинг кесими ҳозирги-келаси замон кўринишида берилган (iđu tegindimiz).

Иккинчи битигда унвондан сўнг *istäyü saqinsar* («агар тахмин қилинса; ўйлаб кўрилса») кириш жумласи билан (СЦ.VI.25.25) асосий қисмга кўчилади. Битиг Yana aýduq balıq sayimizni umunur-biz tükäl körgusi oqiyus yoqiq yaruq körü yarlıqaçay erdi («Яна умид қиламизки, буларни кўрмаган ва ўқимаган айри шаҳар ва қишлоқларимизга ёруғлиқ ҳамда маърифат кириб борғай») жумлалари билан тугайди (СЦ.VI.30.16–19).

Хоннинг ўз қўли билан ёзган жавоб хати мазмунан роҳиб мактубининг давомида туради. Шунинг учун бўлса керак, унда хоннинг бошлама-унвони йўқ. Хат İdmış bitigin körüp tükäl uqdımız («Юборган хатингизни кўриб, тугал уқдик») кириш жумласи билан бошланган (СЦ.VI.30.24–25). Бу унинг кириш қисмидир. Шу жумладан сўнг бирйўла асосий қисмга кўчилади. Мактуб Biz Kirugi ellär ödigi ... ačip oqidımız. Samtso ačarı-iy taqı öruqturguk yarlıq yarlıqadımız («Биз «Ғарб эллари хотиралари» китобини очиб ўқидик ва улуғ устозни яна юқори даражага кўтаришга ёрлик бердик») деган жумла билан тугайди (СЦ.VI.31.26–32.4). Ушбу хотима икки компонентлидир: Бири – хоннинг Сюань-цзан қаламига мансуб хотиралар китоби билан танишганлиги ва кейингиси – роҳибининг юқори лавозимга кўтариш тўғрисида кўрсатма берилганлигининг қайди.

Тўртични хатда аввал унвон, ундан сўнг *bulu tegindimiz iđuq yarlıqiyy* («қутлуғ ёрлиғни олдик») деган сўзлар билан мақсадга кўчилади (СЦ.VI.32.10–11). Мактуб ушбу қутлуғ асарлар «адашган авомни ўша замоноқ ёруғлиққа элитгайлар чирмаб ётган ботқоқликлар қаъридан» (ügmäk ügmäk azqinlar timin-ök ertgäylär adqanyuluq toz-tupraqlar ilisintin), деган тилак-истаклар билан тугайди (СЦ.VI. 35.21–23).

Яна бир белгиси, ушбу хатлар икки ҳукмдор ўртасида эмас, ўқимишли роҳиб ва унга илтифот кўрсатувчи юрт эгаси ўртасида, ўзаро хурмат чегарасида битилган. Мактублар ниҳоятда кўтариинки, юксак бир бадиий услубда. Матнда турли бадиий тасвири воситаларидан кенг фойдаланилган. Бадиийлик хат битгучининг мақсадини очишга, фикр таъсирчанлигини оширишга хизмат қиласи. Бир мисол: Сюань-цзан ўзининг иккинчи хатида тавғаччага ўтирилган нўм битигларга сўз боши ёзиши улуғ хондан ўтиниб эди. Хон эса ўз жавобида камтарлик билан бунга эътиroz билдирганди. Бироқ роҳибининг сўнгти хати шу қадар таъсирили, эмоционал, кўркам бир бадиий услубда эдик, бу ўтинч битиги етгани замоноқ тангри тавғачхон уларга сўз боши ёзишга розилик берди (Bu ötüg tegdüktä täjri tawyač xan yemä temin-ök süü qılıyalı taplap) (СЦ.VI.35.24–27).

Мактублар етук бадиий асар даражасида. Уларни қадимги турк эпистоляр жанрининг сара намуналари қаторида санаш мумкин.

Шу ўринда бир-икки мисол берамиз:

Men, Xuintso, eśidmişim, künli aylı kök täjrig yarutu bütürü körkläntürür. Antay erip yana ol yaruqı bölünüp qapıy tünlüküg yemä yarutar. Öğüzlär köllär yağız yerig toqılanturur. Antay erip, yana ol suwlar yırılıp, sääjirlärdä, özlärdä yemä aqar. – «Мен, Хуинтсо, эшитмишим, кун ва ой кўк осмонни ёритиб, борлиқни безар. Шунинг билан бирга, унинг ёруғлифи бўлиниб эшик ва туйнуклар тирқишини ҳам ёритар. Дарёлар, кўллар кўнғир ерни яшнатур, шунинг билан бирга, унинг сувлари тарқаб қоя ва унгурларга ҳам оқар» (СЦ.VI.34.15–22).

Битигда тавғачхоннинг таърифи шундай: Yemä bögülänmäkit kück ködügi bulujsuz yïjaqsız erür. Nâj bögy saqinč bolmaŷinč anïj tözin tükäl uqityalı bolmaz. – «Яна донолик билан йўғрилган амали чексиз-чегарасиздир (сўзма-сўз. доно ишларининг томони ва





бурчаги йўқ»). Унинг таърифини беришга бирор-бир сўз топилмас (*сўзма-сўз*. Бирор бир донолик бўлмагунча, унинг маъносини тугал уқитиб бўлмас») (СЦ.VI.33.24–27).

Ёки бошқа бир ўринда хоннинг улуғ юришлари, сув йўлларидаги ҳукмронлиги Төңиз көлүг кеми ўзә ётїн qidüyïja ertdi «(У) кемада денгиз ва қўлларни кечди (*сўзма сўз*. Денгиз ва қўлнинг қарама-қарши қирғогига ўтди)» дэя таърифланади (СЦ.VI.27.14–15).

Сўз юритилаётган нарсалар бадий сифатлари билан ишлатилади: *kök qalıq* (СЦ.VI.26.21) ёки *kök täjri* (*«кўк осмон»*) (СЦ.VI.35.6); *yayız yer* (*«қўнғир ер»*) (СЦ.VI.35.7); *yörüy bulüt* (*«оқ булут»*) (СЦ VI.27.8) сингари.

Битигларда бадийликни таъминлаш мақсадида турли лексик, морфологик, синтактика-стилистик воситалардан кенг фойдаланилган. Жумлаларнинг тузилишида, лексик ва грамматик воситаларнинг танланишида хат йўлловчиларнинг бир-бирига илтифоти, ҳурмати сезилиб туради. Хат битгучининг хоҳиш-истаклари ҳам силлиқлик билан баён этилади. Масалан, *-zin*, *-zün* қўшимчаси асарда хоннинг кўрсатмасини билдириганда буйруқ маъносини билдиради: *Anta nom aqtartzun*, *tep tedi* – «Нўмларни ўша ерда (тавғаччага) ағдарсин», – деб айтди (СЦ.VI.17.14–15). Лекин Сюань-цзан хатида ушбу қўшимча истак маъносида келади. Мисолга эътибор қаратинг: *Küsäyü teginür-biz*, *täjri eligimiz iduq qut öz tutar iduq bi üzä bu nomlarqa bir süü yaratu yarlıqap*, *tütrüm nom tözin ögä küläyü yarlıqazun*. – «Истаймизки, буюк элигимиз Идуқ кут ўзи тутадиган қутлуғ қалами билан ушбу нўмларга бир сўзбоши ёзиб, унинг теран маъноларини алқаб, довруғини ёйсин» (СЦ.VI.25.2–7). Ушбу жумлада *küsäyü teginür-biz* кириш сўзи ҳамда *-zin*, *-zün* қўшимчаси тилақ, истак маъносини шакллантироқда. Бу қўшимча, айниқса, тилақ-дую билдирилганда кенг учрайди: *yarlıqazun* (*«ёрлиқасин»*), *tej ürlügüg qılzun* (*«тeng ва абадий қилсан»*), *tüz turquluq bolzun* (*«бардам турадиган бўлсан»*), *kejirü yadilzun* (*«кенг ёйилсан»*), *uqlzun* (*«уқилсан»*) сингари.

Матнда ўзаро уйғун англамдаги сўзларни жуфтлаш усули ҳам кенг учрайди. Бу усул сўз маъносини кучайтиришга, янги маъно ҳосил қилишга, матн бадийлигини оширишга хизмат қилади (СЦ да): *iş-ködügläre* – «ишлари, амаллари» (VI.24.2); *keçigi-köprügi* – «қўприги» (VI.22.13); *uruji-tarıji* – «уруг-авлоди» (VI.29.19); *yalın-oot* – «ялин, чақмоқ» (VI.27.12); *ökiş-telim* – «кўпдан-кўп, талай» (VI.32.11); *elnij-uluşnij* – «элнинг-юртнинг» (VI.32.25); *asijji-tusuji* – «фойдаси» (VI.23.8); *ezüksüz-emgäksiz* – «ёлғон-яшиқиз-заҳматсиз» (VI.22.15); *yaruq-yašuq* – «ёруғ-равшан» (VI.30.18–19); *etä-yaratu* – «безаб, яратиб» (VI.24.23–24); *aqılı-yorijü* – «кезиб-юриб; саргардон ҳолда» (VI.28.13); *yarutu-yalrıtu* – ёритиб-ялтиратиб» (VI.33.17); *körüp-baqip* – «кўриб-боқиб» (VI.25.15); *tayanıp-süyänip* – «таяниб-суюниб» (VI.28.8); *yudaçi-aritdaçi* – «халос этгучи, фориғ этгучи» (VI.31.8); *yaşutdaçi-yarutdaçi* – «ёритувчи, бахш этувчи» (VI.31.16); *ülüglägäli-tejlagäli* – «ўлчагани» (VI.31.23) сингари.

Матнда жумлалар, ўрни билан, *istäji saqinsar* (*«ўйлаб кўрилса»*), *yemä eshitilür* (*«аёнки, маълумки»*), *ançulayi* (*«шундай қилиб»*), *küsäyü teginür-biz* (*истаймизки»*), *itipinur-biz* (*умид қиласизки»*) сингари кириш сўз ва жумлалар кенг қўлланилган.

Бажарилган ёки бажарилгучи ишлар тўғрисида хабар берилганда жумлалар бирлик шаклида эмас, этикет доирасида, илтифот ила кўплик шаклида берилади; бунда гапларнинг эгаси *biz*, кесими эса *idu tegindimiz* (*«юборяпмиз»*), *acip oqidimiz* (*«(китобни) очиб ўқидик»*), *yarlıy yarlıqadimiz* (*«ёрлик бердик»*) сингари келади.

Жумлаларнинг тузилишида бадий матнларга хос бўлган инверсия ҳолати ҳам тез-тез кўзга ташланади: *Tidintim birikkäli edgülüg sawlarqa. İsig özümin tüz tutdum tanndaqï salqim birlä. Kücümin küsünüm min tej kördüm kuzgi qurt qoñuz birlä.* – «(Роҳатдан) тийиндим бириккали эзгу хабарларга. Ўз тириклигимни тенг тутдим тонгдаги салқин бирла. Куч-кудратимни тенг кўрдим кузги курт-қўнғиз бирла» (СЦ.VI.28.2–7).

«Сюань-цзан кечмиши» асарига киритилган мактублар туркий бадий эпистоляр жанрининг бизга маълум бўлган энг эски, шунинг билан бирга, классик намуналари қаторидадир. Туркий эпистоляр жанр тарихи, келиб чиқиши ва тарихий тараққиётини ўрганганда ушбу битигларни ҳам инобатга олмоқлик керак.





Қизиғи шундаки, Сингқу Сели таржималарини асарларнинг асл версиялариға чоғиштириб кўрган олимлар улар хитойча матнлардан сўзма-сўз ўтирилмаганини аниқлаганлар. Таъкидлаш жоизки, ушбу таржималарнинг қай бирини олманг, улар таржимоннинг кучли билим эгаси экани, туркий тил имкониятларидан усталик билан фойдалана олгани, қолаверса, унинг истеъодди сўз устаси, шоир ва ёзувчи ўтганидан далолат беради. Матнлар услуби юксак балоғат даражасида. Англашиладики, таржимон турк ўқувчисига будда ғояларини чуқурроқ сингдириш, матнларни ўқишили қилиш мақсадида асарларнинг ғояси ва мазмунини сақлаган ҳолда, фикрни турклар тасаввурига тўғри келадиган тушунчалар билан берган. Диний-фалсафий атамалар ҳам, матннинг баён услуби, бадиий-тасвирий воситалар ҳам – бари шунга бўйсунади. Сингқу Сели уларни қайта ишлаб, мустақил асар даражасига кўтарган. Улар ўзининг бадиийлиги, тасвир воситаларининг усталик билан ишлатилгани, баён шаклининг равонлиги билан ажralиб туради. Шунинг учун ҳам турк-будда асарларини бадиий таржималар деб эмас, балки қадимги турк ёзма адабиётининг сара намуналари сифатида қарамоғимиз керак.

Сингқу Сели асарлари қадимги турк ёзма бадиий адабиёти тарихида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга.

Хулоса. Буддизм даври адабиётида таржимачилик ниҳоятда ривожланди: санскрит, тоҳар, суғд, тилларидан йирик будда ёдгорликлари – нўм битиглар, сутралар, хотиралар, будда қиссалари, шастарлар таржима қилинди. Х юзийл хитой таржимашунослик мактабининг бошида турган йирик буддашунос, таржимон ва адаб бешбалиқлик Сингқу Сели (~Шингқу Шели) тудунгdir. Сингқу Сели таржималари бизнинг ҳозирги тушунчамиздаги бир тилдан иккинчи тилга сўзма-сўз ўтирилалар эмас. Уларда асар мазмуни сақлангани ҳолда, баён услуби, бадиий тасвир воситалари туркий тил қонун-қоидалари, турк ўқувчиси уқа оладиган кўринишга солиб берилган. Шунга кўра, улар таржималар эмас, туркий асарлар сифатида ўрганилади. Буддизм даври турк адабиётида ушбу асарларнинг ўрни бекиёс.

Буддизм даврида адабий тилда буддавий асарларга хос бўлган ёзма кўтариинки бир услуб шаклланди, буни шартли равища «сутралар услуби» дейиш мумкин. Бу даврларда диний-фалсафий матнлар услубининг ўлчовлари, қонун-қоидалари ишлаб чиқилди. Ўша даврларнинг диний қонунларни баён этувчи адабий асарлари – нўм битиглар ана шу услубдадир. Мухими шундаки, қадимги будда матнлари негизида юзага келган ушбу диний матнлар услуби кейинчалик, ўрта асрларда яратилган диний асарларда ҳам, янги бир шакл ва мазмунда давом этди.

Ҳавола қилинаётган асарлар:

ДЛТ – *Маҳмуд Кошгариј*. Девону лугати-т-турк [Туркий сўзлар девони]. Нашрга тайёрловчи К. Содиқов. – Тошкент, 2017.

ДТС – Древнетюркский словарь. – Ленинград, 1969.

СЦ – «Сюань-цзан кечмиши» асарининг Санкт-Петербургдаги Россия Фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмалари институти фондида сақланаётган бўлаги: Тугушева 1991.

Тугушева 1991 – Л.Ю. Тугушева. Уйгурская версия биографии Сюань-цзана. – Москва, 1991.

Содиқов 2004 – Содиқов К. Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини. – Тошкент, 2004.

Содиқов 2008 – Содиқов К. Қадимги турк фалсафаси. – Тошкент, 2008.

Содиқов 2020 – Содиқов К. Эски ўзбек ёзма адабий тили. – Тошкент, 2020.

Содиқов, Омонов 2010 – К. Содиқов, К. Омонов. Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан. – Тошкент, 2010.